КУТУБХОНАСИ

ЯНА БИР ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ 6-бет

ТАДБИРКОР АЁЛНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 161 (10.214) / 2004 ЙИЛ 20 АВГУСТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Наврўз», «Мевазор», «Шарқ тонги» маҳаллалари фаоллари ҳамкорлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда терроризм ва экстремизмга қарши ҳамжиҳатликда курашиш масаласи муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** куни «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясида уюштирилган йиғилишда пойтахтимизда бўлиб ўтадиган авторалли мусобақасини бекаму кўст ўтказиш чоралари ҳақида сўз борди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида тадбиркорлар иштирокида «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқишни маҳаллийлаштириш Дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Мирobod туманидаги «Толариқ» ва «Олмазор» маҳаллаларида «Ўз уйингни ўзинг асра», «Огоҳликка даъват» мавзуларида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● «**БУНЁДКОР**» ёшлар телеклубида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренинг «Либерализм ғояси ва жаҳон либерал партиялари» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Мустақиллик мевалари*

O'ZBEKISTON 13

## «ШАРҚ — МОДЕЛ»: ҚЎШМА КОРХОНА ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

**Дўппи тикдим ипаклари тиллодан,**
**Ипаклари деманг, заррин тиллодан**

**деб бошланувчи қўшиқни эшитсам кўз олдимга бутун қалб кўрини, меҳрини бериб, ўзбекнинг фахри ва ғурури бўлган бири-биридан чиройли кўринишдаги дўппиларни ихлос билан тикаётган гўзал қизлар, лобар аёллар келади. Уларнинг игна тутган моҳир қўллари, узун-қисқа бармоқлари ҳаракатидан пайдо бўлаётган гўзаллик оламига бир зум тикилиб туриб хайратланасан. Наҳот шу нозик қўллар бу қадар мўъжиза яратишга қодир бўлса? Қараб туриб улар чиндан ҳам таъриф ва таҳсинга сазовор гўзаллик яратишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Каштачиликнинг барча сир-асрорларидан хабардор бўлган бу дилбар аёллар ўзимизда, шаҳримиздаги «Шарқ гули» корхонасида ишлашади. Бугун**



**ушбу корхонада бўлган киши Мустақиллик йилларида бу ерда рўй берган ўзгаришлар, янгиланишларни ўз кўзи билан кўради, гувоҳи бўлади. Биз бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бера оладиган бу янгиликларнинг баъзилари ҳақида сўз юритишни ихтиёр этдик.**

Корхона дастлаб давр тақозосидан келиб чиқиб хусусийлаштирилди. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Кейин очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатди. Бора-бора масъулияти чекланган жамият бўлди. Албатта, ҳар бир янгиланиш ўзига хос ўзгаришларни талаб қилади. Бу айниқса,



рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди албатта. Бунинг учун аввало изланиш, қолаверса, бугунги харидор талаб ва истагини ҳисобга олиб иш юритишни тақозо этади. «Шарқ гули» мана шу йўлдан бориб, давр қийинчиликларини қадамба-қадам енгиб борди. Бугун корхона ҳамон турдош ишлаб чиқаришлар орасида пешқадам ўринни эгаллаб келмоқда.

Шу ўринда узоқ йиллардан бери бу катта даргоҳга бошчилик қилиб келаётган изланувчан ва ташкилотчи раҳбар Саида Ғаниеванинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Неча йилдирки бу заҳматкаш инсон бутун қалб-қўрини шу корхона тараққиёти учун сарфлаб келяпти. Корхонанинг барча ташвиш қувончларига шерик, ҳамдард. Унинг раҳбарлигида корхона юксалиш йўлидан борди. «Шарқ гули» тамғаси қанча-қанча янги маҳсулотларга туширилди. Улар нафақат республикамизда, балки буюртмалар асосида бир қанча хорижий мамлакатлар юзини кўрди, севиб харид қилинди.

Корхона кўргазмалар залидан ўрин олган бу маҳсулотларнинг кўпчилиги давр ўтиши ва харидор талаби сусайиши билан дастгоҳлардан тушиб қолган бўлсада, улар корхонанинг ўтмиш тарихи сифатида ўзига керакли саҳифа — ўринни эгаллаб турибди. Улар қаторида бугун ҳам ўзининг харидоргирлигини йўқотмаган палак, сўзана, чойшаблар турли рангда товланиб, жилоланади. Оддий бўз матосига ишлов бериб тикилган, ҳар қандай кўзни яшнатадиган бу буюмлар нафис санъат асари янглиғ киши диққатини ўзига тортади.

Изланувчан корхонанинг ҳар бир куни янгиликка бой бўлади. Бугун бу ерда яна бир янги қўшма корхона ишга туширилиш арафасида турибди. У Туркиянинг «Kideks Tekstil Gryim San. Ve Tic.Ltd.Sti» компанияси билан ҳамкорликда тузилган «SHARK MODEL» корхонасидир. Унинг низом жамғармаси бир миллион АҚШ долларига тенг. Низом жамғармасининг 60 фоизи туркиялик шериклар, 40 фоизи эса «Шарқ гули» сармоясига қарашлидир.

Давоми 2-бетда.



## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ тўқимачи» акциядорлик жамияти ҳамда Германиянинг «Текспроект» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Яккабоғтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга туширилди.

● «Навоий машинасозлик заводи»да «НТ-250 И» русумли токарлик ва «1 м 63 н» русумли пармалаш дастгоҳлари ишлаб чиқарила бошланди. Улар йигирмадан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда.

● Мустақиллик байрами арафасида Дўстлик туманидаги Янгиобод қишлоғида барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

● Шофирконидаги «Ўзнатурал» хусусий фирмаси «Замининвест» компанияси томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам ҳисобига лизинг бўйича керакли хориж ускуналарини сотиб олди. Ҳозир у ерда 12 дан ортиқ маҳсулот турларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

● Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Бекобод туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида ҳам 2 та қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди.

● «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси ва унинг еттита тузилмавий корхоналари «Ялта. Олтин-грифон-2004» халқаро танловида 21 та мукофотни қўлга киритди.

### Жаҳонда

● Россия Президенти Владимир Путин мамлакат марказий сайлов комиссияси раисининг Чеченистонда келгуси йил баҳорида парламент сайловларини ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

● Тбилиси расмийлари мамлакат ички ишлар вазирлигига қарашли барча қўшинларни Жанубий Осетия ҳудудидан олиб чиқишга рози бўлди.

● Ҳиндистоннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Кхаракпур шаҳри теварагида икки поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида камида 38 киши ҳаётдан кўз юмди, 55 киши эса турли даражада тан жароҳати олди.

● Афғонистоннинг Ҳирот вилоятига қарашли бир қанча ҳудудлар дала қўмондони Абдулла Хон отряди томонидан эгаллаб олинди.

● Японияда содир бўлаётган «Меги» тўфони оқибатида 10 киши ҳалок бўлди. Ҳозирда ушбу тўфон соатига 126 километр тезликда Япон денгизидан Россия ҳудуди томон ҳаракат қилмоқда.

*Олимпиада-2004*

ATHENS 2004

## ЎТКИРБЕК - КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

**АФИНА. /ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ/. Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Ўткирбек Ҳайдаров иккинчи босқич учрашувларини бошлаб берди. Биринчи баҳсда нигериялик Исаак Акрони 21-11 ҳисобида енгган ҳамюртимизнинг иккинчи жангда ҳам қўли баланд келди. Жазоирлик Абдулғаний Кенжа устидан ғалаба қозонди.**

Боксчиларимиздан Игорь Алборов ҳамда Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов биринчи учрашувда рақибларига имкониятни бой берди.

Академик эшкак эшувчилар ва сузувчиларимиз учун Олимпиада ўйинлари якунланди - улар кейинги босқичга чиқолмади.

Давоми. Боши 1-бетда.

*Мустақиллик мевалари*

# «ШАРҚ — МОДЕЛ»: ҚЎШМА КОРХОНА ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

«Шарқ гули» ва Туркиянинг «Kideks Tekstil Gryim San. Ve Tic.Ltd.Sti» компанияси юқорида таъкидлаганидек, корхона таъсисчилари ҳисобланади. Энг замонавий тўқимачилик ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган қўшма корхонада маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи, экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланади.

Шу ўринда ўз-ўзидан «Хўш, Мустақиллигимиздан олдин Ўзбекистонимизда шунақа корхоналар бормиди?» деган савол туғилиши табиий. Албатта, бу саволга жавобни ўзбекнинг миллий ифтихори бўлган пахта мустақиллигидан бошлашга тўғри келади. Истиқлол туфайлигина халқимиз ўз пахтасига ўзи эгалик қила бошлади. Мана 13 йилдирки, жаҳон бозоридан истеъмолчиларни ўзимиз танлаш ва пахтамизни ҳақиқий қийматида сотиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Унга қадар асосан мамлакатимиздан жўнатилган арзон хом ашё — пахта толаси собиқ иттифоқ республикаларининг бирида қайта ишланиб, яна ўзимизга тайёр маҳсулот сифатида бир неча баробар қийматида олиб келинарди. Ҳозирги кунда эса ушбу тармоқ олдида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратган ҳолда, ички қайта ишлаш ҳажмини 50 фоизгача ошириш вазифаси турибди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, шу жумладан, хорижий инвестициялар республикадаги мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва жаҳон бозорига замонавий рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашга йўналтирилмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярмида республикамиз енгил саноат корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 12 фоизга, қиёсий нархларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 фоизга, маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми эса 25 фоиздан зиёдга ўсди.

Албатта, енгил саноат тармоқларининг йилдан йилга ривожланиб бориши, ҳамда янги корхоналарнинг ташкил этилиши билан қўшимча равишда жорий этилган янги иш ўринларининг сони ортиб борди. Бу эса ўз навбатида аҳоли бандлигининг ошишига имкон туғдирди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг 2004-2006 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурида белгиланишича 2006 йилга келиб 33 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши лозим. Уларнинг кўпчилиги биринчи босқичнинг ўзидаёқ чуқур қайта ишлаш ва тайёр тикув трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида тизимда яна хорижий сармоялар иштирокида еттита қўшма корхона ишга туширилади. Шулардан иккитаси Тошкент шаҳрида фаолият юритадиган «Сағбон-текстиль» ва биз ҳикоя қилаётган «Шарқ модел» қўшма корхоналаридир.







— Янги корхонани ташкил этишдан кўзланган мақсад экспортбоп маҳсулот тайёрлашдан иборат бўлса, — деб ҳикоя қилади корхона бошқаруви раиси Саида Ғаниева, — иккинчидан, тикувчилик саноатига замонавий технологияларни жалб этиш билан хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш, маҳаллий аҳоли даромадини ошириш, давлат бюджетига тушадиган маблағларни кўпайтириш, шунингдек, бозорни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат. Биз қўшма корхона пойдевори қўйилиши биланоқ уни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга тушдик. Япония ва Германиядан энг янги нусхадаги тезкор техникалар олиб келинди. 16 бошқарув пультидан иборат бўлган тикув автоматлари ёрдамида дастлабки босқичда 9 рангда маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Қўшма корхона ортиқча қўл меҳнатини талаб қилмайди. Сабаби, техникаларнинг кўпчилиги автомат ва компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Корхона ишга тушадиган биринчи босқичда 850 ишчи меҳнат қилади. Иккинчи босқичда эса иш икки сменада ташкил этилиб 1350 одам фаолият кўрсатади. Бир йилда 7,2 миллион дона устки кийим ишлаб чиқарилади. Шундан 3 миллиони болаларга мўлжалланган.

Шундай қудратли корхонани тиклаш учун қанча вақт сарфланди ва уни кимлар бунёд этди, деган савол ҳам ўз-ўзидан туғилиши табиий. Унинг бунёдкорлари ўзимизнинг қурувчилар, фақат улар танлов орқали ишга олинди. Уларнинг кучи билан 6 ойда янги корхона тикланди. Қурилиш ишларига 21 миллиард сўм маблағ сарф этилди. Корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг экспорт масаласи ҳам олдиндан ҳал этиб қўйилган. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 85 фоизи Америка ва Канадага жўнатилади, ы15 фоизи эса ўзимизда сотилади. Янги корхона бир неча цехлардан ташкил топган. Уларга тикув, бичув, дазмоллаш, қадоқлаш, босма босиш, йиғирув-тўқув ва бошқа цехлар киради.

«Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал», дея Саида Ғаниева бизни янги корхона томон бошлади. Тўрт қаватли бинонинг иккинчи ва тўртинчи қаватидан ўрин олган корхонада бугун ҳамма нарса маҳсулот ишлаб чиқаришга тахт қилиб қўйилган. Танлов асосида қабул қилинган тикувчи ва бичувчилар ўз иш жойлари, техникаларни бошқариш каби юмушлар билан танишишмоқда. Туркиялик мутахассис, корхонанинг менежери Ender GokaE ишчилар орасида барча тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

— Янги қўшма корхонамиз учун саралаган бичувчи ва тикувчиларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси қошида ташкил этилган ўқув марказида бир ойлик махсус курсни битириб келишган, — дейди Саида Ғаниева. — Шунга қарамай бу ерда ҳам улар мураккаб техникаларни бошқариш сирларини ўрганишяпти, тажриба ўтказишяпти.

Тикув цехига ўрнатилган 216 та замонавий машиналар ўз бошқарувчиларини кутиб турибди. Бичув цехи эса янада гавжум. Бу ерда ҳам мутахассислар ишчиларга керакли маълумотларни беришяпти. Айниқса цех мастери Гулнора Ҳожибекованинг қўли-қўлига тегмайди. У ўз шогирдлари даврасида уларнинг барча саволларига жавоб бериш билан банд.

Бичувчи Нигора Ғофурова ўз таассуротларини бизга шундай баён қилди.

— Янги қўшма корхонада иш бошлаётганимдан бениҳоя хурсандман. Бу ерда ишчилар учун барча шароитлар мавжуд. Энг муҳими, шу яқин ҳудудда яшовчи ишсиз хотин-қизларнинг кўпчилиги иш билан таъминланишди. Ўшалар қатори мен ҳам янги иш ўрни пайдо бўлганидан фойдаланиб, мустақил иш бошлаш арафасида турибман.

Бугун компьютер бўйича иш юритувчи Иззатилла Маҳмудов ва унинг ҳамкасблари ҳам иш фаолиятларининг биринчи қадамини мана шу янги қўшма корхонада бошлаётганларидан бахтиёрдирлар.

Биз катта таассуротлар билан қайтар эканмиз, эндигина иш бошлаш олдида турган бу янги корхонани парвозга шайланган баҳайбат қушга таққослагимиз келди. Ўз навбатида унинг темир қанотлари мустаҳкам, парвози эса сарбаланд бўлишини чин дилдан истаб қолдик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

**СУРАТЛАРДА: янги корхонанинг бугунги кунидан лавҳалар акс эттирилган.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ УЧУН

**Тошкентда “Индустриясавдо” товар ишлаб чиқариш компанияси томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир доирасида “Витра” тамғаси билан чиқарилган қурилиш жиҳозлари тақдимоти бўлиб ўтди.**

Компания ўз фаолиятини 2002 йилда бошлаган. Ўтган давр мобайнида у Ўзбекистон бозорини қурилиш ва мебел маҳсулотлари билан таъминлаш борасида самарали ишларни амалга оширди. Компания Туркиянинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилади. Туркиянинг “Витра” тамғаси билан ишлаб чиқилган техника қурилиш маҳсулотлари дунё бозорида яхши таниш. “Индустриясавдо” компанияси айнан шу маҳсулотларнинг мамлакатимизга кириб келишини таъминламоқда.

Компания вакилларининг таъкидлашларича, ҳозирда улар мебел ва эшик ишлаб чиқарувчи фабрикаларини ишга туширмоқда. Мазкур маҳсулотларни тайёрлашда асосий хом ашё Туркиядан олиб келинмоқда.

Семинарда ҳамкорлик натижасида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгиланди. Шунингдек, “Витра” тамғаси остидаги маҳсулотлар намойиш этилди.

“Туркистон-пресс”

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен 1994 йил ўн йилга 100 фоизли болалар омонат жамғарма банкига тўрт нафар фарзандим учун пул қўйдим. Орадан шунча йил ўтгандан кейин, яъни 2004 йилда банкка борсам, улар пулнинг 18 фоизга тушиб қолганини айтишди. Шундай бўлиши мумкинми?**

**М.Ортиқова, ўқитувчи**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада адо этмаганлиги туфайли ҳақдорга етказилган зарарни тўлаши шарт. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Сиз юқоридаги меъёрлардан келиб чиқиб, омонат жамғарма банкидан шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни ундиришни сўраб судга мурожаат қилишингиз лозим.

* * *

**Турмуш ўртоғим ножўя қилмиши учун озодликдан маҳрум этилди. Уч нафар вояга етмаган фарзандларим бор. Ўзим ҳамшира бўлиб ишлайман. Лекин оладиган маошим билан болаларимни боқишга қийналиб қолдим. Фарзандларимга нафақа олишим мумкинми?**

**Г.Рустамова, ҳамшира**

«Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандига кўра, нафақа ушбу нафақани олишга муҳтож бўлган 16 ёшдан кичик болалари бор оилаларга тайинланади ва тўланади. Сиз оилавий шароитингиздан келиб чиқиб ўзингиз доимий истиқомат қиладиган жойингиздаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига (маҳаллага) нафақа тайинлаш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз лозим. Шунда оилангизга нафақа тайинланади.

* * *

**Организмда қалқонсимон безнинг фаолияти нималардан иборат, унинг ҳаётий фаолияти ҳақида билмоқчи эдим.**

**Ж.Шертоева, уй бекаси.**

Қалқонсимон без бўйин ўртасида, олдинги гуруҳ мушаклари орқасида, трахеянинг олди ва ён томонларида, кекирдакнинг икки ёнида жойлашган. У организм учун ҳаётий аҳамиятга эга. Унинг нормал фаолияти одамни соғломлаштиради ва кайфиятини кўтаради...

Қалқонсимон безнинг иш фаолияти сусайганда беҳоллик, тери юмшоқлиги кузатилади. Модда алмашинувининг бузилиши оқибатида соч ўсиши издан чиқади, суяклар юмшаб, қийшайиши мумкин ва тез синадиган бўлиб қолади. Мушаклар заифлашади. Яхши ривожланмаган қалқонсимон без жинсий безларга салбий таъсир қилади.

Қалқонсимон без гормони таркибида йод моддаси бор. Йоднинг етишмаслигидан эса бўқоқ касаллиги келиб чиқади.

Без фаолиятининг сусайиши ёки уни олдириб ташлаш тез қаришга олиб келади. Таркибида йод моддаси бўлган маҳсулотлар: помидор, балиқ ёғи, редиска, сув ўтлари, кальмар, қисқичбақа, лавлагидан еб туриш ҳам безнинг меъёрий иш фаолиятини яхшилайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

Давоми. Боши 3-бетда.

22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35-23.40 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Ҳимоя».
21.10 «Мустақиллик нашидаси».
21.50 «Мусиқий меҳмонхона».
22.10 «Аёл қалби».
22.35 Кинонигоҳ: «Келиб айтганларим».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Қувноқ стартлар».
9.50 «Баҳодирлар ўйини».
10.30-16.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Хабарлар» (рус тилида)
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Не ссорьтесь, девочки», сериал
14.00 Художественный фильм, «Имитатор», комедия
15.30 «Спорт-экстрим»
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «В зоне особого внимания», остросюжетный фильм
19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал
20.10 «Ошикона», мусиқий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Азы убийства», триллер
24.00 Программа передач

**Первый канал**

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 «Улицы разбитых фонарей».
9.10, 18.00 Сериал «Клон»
10.20 Дневник XXVIII летних Олимпийских игр
11.20 Фильм «Черная роза - эмблема печали, красная роза - эмблема любви»
14.20 Сериал «Ангел на дорогах»
15.30 Документальный детектив.
16.00 «Слабое звено»
17.20 «Шутка за шуткой»
19.00 «Черный ворон». Многосерийный фильм
20.00 Время
21.30 Фильм «Свободная женщина - 2»
22.20, 2.00 На XXVIII летних Олимпийских играх
1.00 Сериал «Доктор Живаго».
3.10 Детективный сериал «24 часа»
4.05 Сериал «Доктор Куинси»

**Россия**

2.00 «Доброе утро, Россия !»
5.45, 14.50 Сериал «Бедная Настя».
6.45, 17.55 Сериал «Каменская-2».
7.50, 10.45, 13.30, 16.45, 1.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30, 20.00 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Что хочет женщина».
9.50, 19.05 Детектив «Марш Турецкого-3».
11.30, 20.20 XXVIII ЛЕТНИЕ ОЛИМПИЙСКИЕ ИГРЫ В ГРЕЦИИ.
14.20 «Кулагин и партнеры».
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
22.20 Фильм «Три сестры».
0.20 «Дорожный патруль».
0.35 Детектив «Полиция Майами, отдел нравов».
1.20 «Навеки Джулия». Телесериал.

**ТВ-3**

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/с «Ураганчики».
8.30 М/с «Мумии возвращаются».
9.00 М/с «Мэри Кейт и Эшли».
9.30, 14.30 Д/с «Хвостатые истории».
10.00 Ток-шоу «Моя семья».
11.00 Т/с «Дороги любви».
12.00 Х/ф «Город террора».
14.00, 1.30 Д/с «Кунсткамера».
15.00, 19.00 Ток-шоу «Большая стирка».
16.00 Т/с «Три судьбы».
17.00 Х/ф «Светские львы».
20.00 «Козленок в молоке».
21.00 Х/ф «Ганнибал».
23.40 Х/ф «Охотники тьмы».
2.00 Х/с «Свободная женщина».

**НТВ**

5.00 Утро на НТВ
7.50 Сериал «День рождения буржуя-2»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Кулинарный поединок»
10.20 «Страна советов»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.30 Фильм «Верность»
13.15 «Время есть»
13.35, 17.35 «Криминальная Россия»
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «МУР есть МУР»
18.40 Комедия «Как бы не так», 1 серия
19.50 Сериал «Я все решу сама»
21.35 Триллер «Разоблачение»
0.10 Детектив «Бассейн»

## ПАЙШАНБА, 26

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тўй либослари».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
Ёзги таътил кунларида:
10.25 «Қизалоқ, кинода ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадиий фильм.
11.40 «Тараққиёт йўли».
12.05 «Ҳаёт ва қонун».
12.25 «Ҳаракатда - баракат».
12.40 «Дунё бўйлаб».
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.10 «Агар Сиз».
14.35 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.40 «Парламент вақти».
16.00 «Парле ву франсэ?»
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.20 «Мулки борлиқ».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Зийнат».
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 Олимпиада хабарлари.
18.45 «Маслак ва мақсад».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида.
22.40 «Хониш». Мусиқий дастур.
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30 Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Йўлбошчи». Бадиий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар»**

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 Тенгдошлар.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 «Мульттомоша».
11.00 Тафаккур ёлқинлари.
11.15 Чемпион сирлари(рус тилида)
11.40 Спорт-қитъаси (рус тилида)
12.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.30, 18.00 Ёшлар овози.
12.50, Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 Соғлом авлод.
13.45 «Умр дафтари» туркумидан: Яҳё Ғуломов. Видеофильм. 3-қисм.
14.05 Қўли гул уста.
14.25 Автопатрул.
14.45 «Ошиқу бекарорлар». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 Мультфильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
16.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.55 Озодюрт фарзандлари.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.35 «Coscom» хабарлари.
17.40 Истиқлол умидлари.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Кулгуч.
20.05 Мезон.
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Хонадон ўчоғи». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Эл хизматида».
21.10 «Бурч ва масъулият».
21.50 Кинонигоҳ: «Миршаблар ва Роббинсонлар».
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 «От спорти». Республика биринчилиги.
10.10 «Спорт - менинг ҳаётим».
10.25-14.25 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Не ссорьтесь, девочки», сериал
14.00 Художественный фильм, «Азы убийства», триллер
15.30 «Спорт-экстрим»
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «Призрачная цель», остросюжетный фильм
19.20 «Не ссорьтесь девочки», сериал
20.10 «Ошикона», мусиқий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Смертельно опасные герои», остросюжетный фильм
24.00 Программа передач

**Первый канал**

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 «Улицы разбитых фонарей».
9.10, 18.00 Сериал «Клон»
10.20 Дневник XXVIII летних Олимпийских игр
11.05 Фильм «Опасные гастроли»
13.00 Сериал «Женщины в любви»
14.20 Сериал «Ангел на дорогах»
15.30 Документальный детектив.
16.00 «Личная жизнь Валентины Терешковой». 2-я серия
17.30 «Анекдоты»
19.00 «Черный ворон». Многосерийный фильм
20.00 Время
21.30 Фильм «Свободная женщина - 2». Закл.
22.20, 2.10 На XXVIII летних Олимпийских играх
1.00 Сериал «Доктор Живаго». Закл.
3.20, 4.05 Детективный сериал «24 часа». Закл.
4.20 Сериал «Все путешествия команды Кусто».

**Россия**

2.00 «Доброе утро, Россия !»
5.45, 14.50 Сериал «Бедная Настя».
6.45, 17.55 Сериал «Каменская-2».
7.50, 10.45, 13.30, 16.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30, 20.00 Местное время. Вести-Москва.
8.50 «Что хочет женщина»?
9.50, 19.05 Детектив «Марш Турецкого-3».
11.30, 20.20 XXVIII ЛЕТНИЕ ОЛИМПИЙСКИЕ ИГРЫ В ГРЕЦИИ.
14.20 «Кулагин и партнеры».
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
22.20 Фильм «Зимняя сказка».
22.50 XII Фестиваль российского кино «Окно в Европу».
23.40 «Дорожный патруль».
0.00 Детектив «Полиция Майами, отдел нравов».
0.45 «Навеки Джулия». Телесериал.
1.30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

**ТВ-3**

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/с «Ураганчики».
8.30 М/с «Мумии возвращаются».
9.00 М/с «Эволюция».
9.30, 14.30 Д/с «Хвостатые истории».
10.00 Ток-шоу «Моя семья».
11.00 Т/с «Дороги любви».
12.00 Х/ф «Райский вирус».
14.00, 1.30 Д/с «Кунсткамера».
15.00, 19.00 Ток-шоу «Большая стирка».
16.00 Т/с «Три судьбы».
17.00 Х/ф «Здравствуйте, я ваша тетя!».
20.00, 1.30 Х/с «Свободная женщина».
21.00 Х/ф «Ловец солнца».
23.30 Х/ф «Город террора».

**НТВ**

5.00 Утро на НТВ
7.50 Сериал «День рождения буржуя-2»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Квартирный вопрос»
10.20 «Страна советов»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Фильм «Первый троллейбус»
13.20 «Время есть»
13.35, 17.35 «Криминальная Россия»
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «МУР есть МУР», закл.
18.40 Комедия «Как бы не так»
19.50 Сериал «Я все решу сама», закл.
21.35 Триллер «Сердце ангела»
23.55 Фильм «Щупальца»

## ЖУМА, 27

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бахмал», «Водил».
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Семурғ». Бадиий фильм.
11.15 «Зийнат».
11.35 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Сурхондарё вилояти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
12.55 «Булбулигўё». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
13.10 «Бу турфа олам».
14.10 «Маслак ва мақсад».
14.30 Кундузги сеанс: «Сўнгги совға». Бадиий фильм.
16.20 «Мувозанат».
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.40 «Яхшилар ёди».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 Олимпиада хабарлари.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.15 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида.
22.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Созлар навоси». Фильм-концерт премьераси.
22.45 Нақадар тотли сўз «Озодлик» рукнида: «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар»**

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
8.50, 10.20, 12.55, 15.55, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Ёлғон асираси». Телесериал.
10.05 «Давр»-интервью.
10.25 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Ўзбекистон маркаси».
10.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
10.50 Истиқлол умидлари.
11.10 Болалар экрани: «Сеҳрланган бола».
11.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
12.25 Ёшлар овози.
12.45, 19.40 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари» туркумидан: Ойбек. Видеофильм. 1-қисм.
13.45 Озод юрт фарзандлари.
14.05 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
15.25 Мезон.
15.45 «Уч оға-ини». Мультфильм.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 Огоҳлик - давр талаби.
17.45 Томир.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Қишлокдаги тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.50 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим.
20.20 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.25 Ўзимизники.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Замондошларим». Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.45-0.50 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18.30, 20.00, 20.50, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Тоғнинг гули ўзгача».
21.10 «Аёллар салтанати».
21.55 Кинонигоҳ. «Ҳисобли никоҳ».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Федерация фаолияти».
9.35-13.35 «Олимпиада-2004».
15.25 Кўрсатувлар тартиби.
15.30 «Олимпиада-2004» (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Олимпиада-2004».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.50 «Олимпиада-2004». Танаффусда «Хабарлар».
23.45 «Олимпиада кундалиги».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

12.00 Открытие програмы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Не ссорьтесь девочки», сериал
14.00 Художественный фильм, «Смертельно опасные герои», остросюжетный фильм
15.30 «Ошикона», мусиқий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»: «Летние каникулы», комедия
19.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса
20.10 «Ошикона», мусиқий дастури
20.40 «Зарубежные клипы»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Плохие мальчики», остросюжетный фильм
24.00 «Ночной канал» - «Только ты», комедия

**Первый канал**

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05 «Улицы разбитых фонарей».
9.10 Сериал «Клон»
10.30 Дневник XXVIII летних Олимпийских игр
11.20 Фильм «Простая история»
13.00 Сериал «Женщины в любви»
14.20 Сериал «Приключения молодого Индианы Джонса»
16.10 «Невероятное путешествие Жюля Верна».
17.30 Комедия «Улица полна неожиданностей»
18.50 «Поле чудес»
20.00 Время
20.30 «Золотой граммофон»
21.30 Боевик «Убийцы на замену»
23.30 На XXVIII летних Олимпийских играх
1.00 Боевик «Леонард шестой»
2.30 Драма «Приговор»
4.20 «В погоне за НЛО»

**Россия**

2.00 «Доброе утро, Россия !»
5.45 Сериал «Бедная Настя».

Давоми 5-бетда.

### Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Донишмандлардан Ибн Ямин айтади:

Дунёда энг азиз ва энг фойдали нарсага эга бўлишни истасангиз, ўзингиз билан фикрдош, ҳамқалб, самимий бир дўстни топингиз, самимий, чин дўстнинг моҳияти, хислати сизнинг дўстингизга — дўст, душманингизга — душман бўлишдир. Шундай ҳақиқий дўстни топсангиз, уни жонингиздек азиз тутинг.

Кўп хатоларга йўл қўйганингиздан ор-номус қилсангиз, камолот ҳосил қилишга ғайрат қилинг. Ақл қонунига мувофиқ бўлган ишлар билан машғул бўлинг, шундан ташқарига қадам қўйманг.

Шаън-шарафингизга доғ туширишни истамасангиз, ёмонлар билан ошна-оғайничилик қилманг, улар билан суҳбатлашманг.

Ўзингизни олтин, лаъл, гавҳар билан эмас, илму ҳунар ва ахлоқ, тарбия билан безатинг.

Дунёда ҳеч бир нарса учун иззат ва обрўингизни тўкманг. Ҳеч кимдан бир нарса таъма қилманг.

БАЙТ:

**Ким таъма қилса, ўзин**
**хор айлагай,**
**Хорликдан ўзни**
**бемор айлагай.**

● Олимлардан Ҳимматзода айтади:

— Бир касал одамни зиёрат қилиб ҳол-аҳволини сўраш, тасалли бериб, кўнглини кўтариш энг яхши ишдир. Фақат зиёрат қилганингиздан кейин унинг ёнида эзмалик қилиб кўп ўтирманг, хайрлашиб, тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг, касални тинч қўйинг, безовта қилманг.

Қадимги араб халифаларидан Хорунаррашиднинг дўсти, суҳбатдоши шоир Абунувос касал бўлиб қолди. Унинг ҳолини сўрагани кўп киши келиб кетди. Бир кун икки киши келиб, бемаза сўзлар сўзлашиб, бемор ёнида узоқ вақт ўтирдилар. Дардининг зўрлигидан безовта бўлиб турган Абунувос бу икки эзманинг сўзларидан жуда ҳам безор бўлди, буларни чиқариб юборишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам фойдаси кўринмади. Ниҳоят, у ўрнидан сакраб турди, кўрпа-ёстиғини ўраб елкасига қўйиб ҳалиги эзмаларга:

— Мана кўринг, мени кўргани келганингиз туфайли касаллигим тамом йўқ бўлди, тузалдим, ўрнимдан туриб ўрин-бошларимни йиғиштирдим. Хайр, энди кетсангиз ҳам бўлади. Бошқа бир вақтда сизларни зиёфатга чақираман, ўшанда узоқ вақт сўзлашиб ўтирамиз, — деди ва шу тадбир билан у икки эзмани уйидан чиқариб юборди, жони тинчланиб роҳатланди.

**ҲИССА:** — Ақлли одам ҳар бир ишни ақл ўлчови билан ўлчаб, сўнгра бажариши керак. Шундай қилмаса, у одам фалокат ва ҳалокатга учрайди. Ўзи удда қилолмаган бир ишга киришиш — нодонликдир.

● Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтади:

— Мулойимлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини теради. Қийналишдан қўрқиб ўрганишни давом эттирмаган киши, илмни эгаллай олмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳамманинг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишининг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

**БАЙТ:**

**Ҳар киши душманга**
**бўлса раҳбати,**
**Охири ундан кўрар**
**минг офати.**

# ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО МАГИСТРАТУРА

**Шу йилнинг 25 август куни Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида “Экология. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш” мутахассислиги бўйича халқаро магистратура очилади.**

Халқаро магистратурани ташкил қилиш лойиҳаси Европа Иттифоқининиг “TEMPUS-EVASIA” дастури доирасида “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида таълим дастурларини ривожлантириш” номи билан Ўзбекистоннинг учта йирик олий ўқув юрти – Андижон аграр университети, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент Аграр университетида амалга оширилмоқда. Европа томонидан бош шерик сифатида Голландиянинг Вагиненгена университети иштирок этаяпти. 1918 йил барпо этилган мазкур университет табиий фанлар, табиат ресурслари ва озиқ-овқат масалаларини ўрганиш борасида жаҳонда етакчи мавқега эга.

Янги магистратурадаги дарслар инглиз тилида олиб борилади. Таълим жараёни голландиялик профессор ва ўқитувчилар томонидан видеоконференциялар воситасида масофадан туриб амалга оширилади. Амалий ва лаборатория ишлари шу ернинг ўзида ва Вагиненгена университетида текширилади. Голландияга илмий ишлар электрон почта орқали йўлланади.

Бу йил магистратурада мамлакатимиз вакиллари билан бир қаторда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Тожикистон, Туркманистон ва афғонистонлик 17 нафар бўлажак экологлар ҳам таҳсил олади.

Ўтган йилнинг май ойида Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида “EcoGIS Center” - экологик геоахборот тизимлари маркази очилган эди. Кейинги йилдан бошлаб ушбу марказ базасида халқаро докторантура фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**“Жаҳон” АА**
**Брюссель.**

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШАДИ

Ёшинг ўтгандан кейин гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб қоларкансан. Бир кун соғ бўлсанг, эртаси кун касалсан. Шифокорларга тез-тез мурожаат қилганинг қилган. Яхши ҳамки ҳаётда улар бор. Бир зумда дардингга малҳам бўлишади. Агар шу саломатлик посбонлари бўлмаса, ҳолимиз нима кечарди билмайман.

Қаричилик. Тунов куни ана шундай бўлди. Бирдан иссиғим кўтарилиб, ўзимни нохуш сездим. «Қўйинглар, бўлар-бўлмасга уларни безовта қилманглар. Ўзимизда бор дори-дармонлардан фойдаланиб, бир пиёла иссиқ чой ичсам, балки ўтиб кетар», деганимга қарамай болалар «Тез ёрдам»ни чақиришди. Шундай қилганлари яхши бўлган экан. Борган сари ҳарорат кўтарилиб, беҳузур бўла бошладим. Қўлбола муолажаларимиз ёрдам бермади. Тиқ этса эшик пойлаймиз, қани энди «Тез ёрдам» кела қолса. Йўқ, бўлмади. Ён қўшнимиз шифокор Абдушукурни чақиришга тўғри келди.

Ён қўшни — жон қўшни-да. У дарҳол чиқиб, аҳволимни кўрди-ю, тезда муолажаларни бошлаб юборди. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, бир оз ўзимга келдим.

— Қалайсиз, отам? — сўради Абдушукур жилмайиб.

— Худога шукр, боягидан анча яхшиман. Қўлинг дард кўрмасин, болам.

— Шунақа экан, нега олдинроқ хабар қилмадингиз?

— Сени овора қилмайлик, деб «Тез ёрдам»га мурожаат қилган эдик.

— Келмадими?

— Икки соатдан ошдики, ҳали ҳам ундан дарак йўқ.

— Тез ёрдамни кутмай, дарҳол хусусий поликлиникамизга қўнғироқ қилмайсизми, бир зумда навбатчи шифокор келиб, дардингизга дармон бўларди?

— Ҳудудимизда шунақа поликлиника очилганини билардиму, кечқурунлари уларда навбатчи шифокор ишлашини билмас эканман.

— Бундан кейин билиб олинг. У ерда кечасию кундузи навбатчи ишлайди. Қўнғироқ қилсангиз, бас. Зарур дори-дармонларни қидириб ҳам юрмайсиз. Ўзларида ҳаммаси бор. Энг муҳими, сизни куттирмай, тез етиб келишади, намунали хизмат кўрсатишади.

Абдушукур яна бир бор мени кўздан кечирди. Болаларга зарур бўлган муолажаларни тайинлади-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Бу вақтга келиб анча соғайиб, ўзимни енгил ҳис қила бошладим.

Мендан кўнгли тинчиган болалар аста-секин тарқалишди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун ҳаммамиз уйқуга кетдик.

Одатим бўйича эрталаб барвақт турдим. Танам енгил, кечаги безовталикдан асар ҳам йўқ эди. Тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш ниятида ҳовлига чиқдим. Сайр қилиб юрсам, эшигимиз тагига машина келиб тўхтади. Чиқиб қарасам, «Тез ёрдам» турибди.

— Келинглар, хизмат, — дейман ундан аранг-қаранг тушиб келаётган оқ халатли барваста аёлга қараб.

— Янглишмай топиб келдикми, ишқилиб. Зийрак бобонинг хонадонлари шуми? «Тез ёрдам»га буюртма берган эдингизларми?

— Кеча буюртма берган эдик.

— Бемор қаерда, кўрсак бўладими? Аҳволи яхшими, ишқилиб?

— Бемор мен.

— Ҳазиллашяпсизми, ота?

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Бошқа шифокор чақирдик. Ўша даволаб кетди.

— Вой, унақа экан, нега бизни безовта қиласизлар? Қанча визовларни ташлаб бу ерга келиб ўтирибмиз-а.

Улардан узр сўраб, жўнатиб юбордим. Аслида кеч қолгани учун улар биздан кечирим сўрашлари керак эди. Шундан бери оиламизда бирор киши муолажага муҳтож бўлиб қолса, хусусий поликлиникага мурожаат қиламиз. Улар бир зумда келиб, ширинсуханлик билан хизмат кўрсатиб кетишади. Инсонларга бу қадар ғамхўрлик, тиббий ёрдам кўрсатишларнинг янгича усулларини жорий этиш ҳам шубҳасиз Мустақиллик шарофатидан-да.

## ЯРМИСИ СИЗГА, ЯРМИСИ БИЗГА

— Ҳой, отаси. Кеча шаҳар электр тармоқлари идорасидан назоратчи келиб: «Уч ойдан бери электр ҳақини тўламас экансизлар. Ҳозир тўлайсизлар, бўлмаса чироғингизни ўчириб кетамиз», деб пўписа қилиб кетди. «Барака топинг, эртага келинг, отаси уйда бўладилар, ўзлари билан гаплашасиз», деб зўрға кўндирдим. Энди кўчага кетмай туринг, ҳозир келиб қолишса керак.

Кутдим. Тушдан кейин бир йигит келди.

— Отахон, қалайсиз? Бу кечалари электр ёқишни унутмайсиз-у, пулини тўлашни унутаркансиз-да. Қани бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик.

Назоратчи ўрта ёшли йигит шундай дея, пойабзалини ечмай, уйга кирди-да хона тўридаги ҳисоблагич томон йўналди. Унинг сурбетларча қилаётган бу ишидан ранжидим. Назоратчи эса ҳеч нарсага парво қилмай, ҳисоблагичдаги рақамларни ёза кетди. Кейин уларни бирма-бир солиштириб турди-да, менга қараб тиржайди.

— Ўн мингга яқинлашиб қолибди-ку қарзингиз, ота. Нима дейсиз, бироз пасайтирайми?

— Қандай қилиб, иложи борми?

— Келишсак иложини топамиз-да, отахон. Майли, сизга жабр бўлмасин. Олти минг ёзамиз, уч мингги ҳисоб дафтарига, уч мингги бизга — хизмат ҳақига.

— Бу қанақаси. Гапингизга бироз тушунмайроқ турибман, — атайлаб сўрадим ундан.

— Нимасини тушунмайсиз. Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин, деган гап бор-ку.

Назоратчи очиқ савдога ўтди.

— Агар кўп десангиз, яна бироз камайтиришим мумкин.

— Умумий ҳисоб қанча бўлибди ўзи?

— Тўққиз минг беш юз сўм.

— Шунинг ҳаммасини тўлиқ олаверинг. Бу нима бозормидики, савдолашасиз.

Бу танбеҳдан сўнг назоратчи ўзини оқламоқчи бўлди: «Қойил ота, қани энди ҳамма ҳам сизга ўхшаб ҳақиқатгўй бўлса, унда бизга ўхшаб эшикма-эшик «тиламчилик» қилиб юрадиган назоратчилар ҳам камаярмиди», — деди жилмайиб.

Унинг бу гапи мени ўйлантириб қўйди. Шундай бўлса, яхши бўларди, дейман ўзимга ўзим. Ҳар қалай давлатнинг нонини яримта қилаётганларнинг сони бироз камаярди.

## ЕГАНИ ОЛДИДА

Қодир бобо билан қадрдонмиз. Оилавий борди-келдимиз бор. Кўпдан бери кўришмаганимизни эслаб, дам олиш куни уни йўқлаб хонадонига бордим.

Эшикни бобонинг набираси Салимжон очди. Омонлашиб бундай назар солсам, барака топгур анча бўй чўзиб қолибди. Ҳақига дуо қилиб, бобосининг бор-йўқлигини сўрадим.

— Яқинда аммамникига кетган эдилар. Кираверинг, ота. Уйда адам борлар.

Ҳовлида Каримжон кўринди.

— Бормисиз, отахон, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку. Қандай шамол учирди?

— Сизларнинг шамолингиз.

Қучоқлашиб кўришдик. Каримжон бизни айвонга бошлади. Хотини Маҳмудахон бир зумда дастурхон тузади. Ўғли Салимжон олдимизга чойнакда чой келтириб қўйди.

— Тўқсон бешдан дамладингми, болам, биласана, отанг кўк чойни ёқтирадилар. Қани ўтир, чойдан қуй. Кўрдингизми бобо, ўғилчамиз ёнимизга кириб қолди.

— Умридан барака топсин.

Қассоблик касбини эгаллаб, кам бўлмадик. Кўриб турибсиз, биров кўрса, ҳавас қилгудек яшаяпмиз. Энди ўғилчамизни ҳам шу соҳага ишлашга ундаяпмиз.

— Ҳали ёш, балки ўзининг бирор танлаган касби бордир.

— Э, ота, ёшларни биласиз-ку, қўлимдан келадими, келмайдими демай, осмону фалакда учиб юришни ёқтиришади. Бизнинг Салимжон ҳам ана шуларнинг бири-да. Билганингни қил, деб болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам ярамайди. Биронта тарбияси бузуқ болаларга қўшилиб қолишидан Худо сақласин. Шуни ўйлаб, уни ўз ёнимга олдим.

— Ўқиши-чи? Ўқиши нима бўлади?

— Битта ўқиган менми? Беш йил мактабда дарс бериб, нима топдим. Яхшиям, эсим борида этагимни ёпганим, бўлмаса, юрардим, мен ҳам поданинг кейинги оёғи бўлиб. Бола ёшликдан пул топишга ўрганса, нимаси ёмон. Ўғилчамиз ҳам олдинига анча кўнмай турди. Кейин қўлига уч-тўрт сўм пул тушувдики, мендан олдин бориб, дўконни очиб, тош-тарозисини тўғрилаб турадиган бўлди. Энди савдо-сотиқдаги баъзи «нозик» масалаларни ўргатиб қўйсам, егани олдида, емагани кетида-да.

Каримжоннинг бу сўзидан энсам қотди. Уни гап билан узиб олгим келди-ю, меҳмонлигим ҳурмати индамадим. Олдимдаги пиёлада турган чойни бир хўпладим-да, ўрнимдан турдим.

— Ҳа, отахон. Бирдан кетадиган бўлиб қолдингиз?

— Шундай. Бора қолай. Отангни кўргани кейин келарман. Лекин бир гапни айтиб кетмасам бўлмас.

— Нима экан, айтинг, отахон.

— Болани мактабдан қолдириб, яхши иш қилмабсан. Қолаверса, уни ёшлигидан пулга ўргатиш яхши эмас. Ёш болага билиб-билмай етказилган бу маънавий зарарни кейин қоплаш қийин бўлади. Бу ҳақда бир ўйлаб кўрсанг бўларкан.

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАҚСАДИДА

**Республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида "Хусусий товар ишлаб чиқарувчиларни сертификатлаштириш масалаларида қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон ишбилармон аёллари уюшмаси - "Тадбиркор аёл" нодавлат, нотижорат, жамоа ташкилоти сифатида 1991 йилда ташкил топган. Асосий мақсади, бозор муносабатларининг вужудга келиш жараёнида аёллар иштироки учун қулай шароит яратиш, уларни тадбиркорликнинг турли кўринишларида ва шаклларида ҳамкорлик қилиш ҳамда амалий шерикчилик борасидаги ўзаро ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат. Шунингдек, мамлакатимизда ўтиш даври жараёнлари кечаётган бир вақтда, аёлларни ўз иш ўринларини йўқотиб қўйишига йўл қўймаслигини мақсад қилиб қўйган. Уюшманинг Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлимлари мавжуд. Муҳими шундаки, уюшма юртимиз хотин-қизлар турмушини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, бу олис қишлоқ жойларда яшовчи аёллар учун иш ўринлари яратишда яққол намоён бўлади. Уюшма томонидан аёлнинг жамиятда тутган мақомини кўтариш, уни ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда

Мазкур анжуманда сўзга чиққанлар тадбиркорнинг самарали фаолият юритишида сертификатлаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишди. Авваллари сертификат олиш учун қатор идоралар ўртасида сарсон-саргардон бўлган тадбиркорга Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди.

Уюшма вакилларининг таъкидлашларича, яқинда мамлакат миқёсида тадбиркор аёллар олдида турган муаммоларни ўрганиш учун сўровлар ўтказилган. Сўровлар натижаси аёллардаги тадбиркорликни бошлаш ҳамда молиявий қийинчиликлардан ташқари сертификат олиш муаммоси ҳам долзарб эканлигини кўрсатди. Шу сабабли аёллар ташкилоти ўз лойиҳаларини шу долзарб муаммони бартараф этиш йўналишида олиб боришга қарор қилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНАДИ

**Пойтахтдаги Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси доирасида "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими учун педагог ходимлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг долзарб масалалари" мавзуида республика анжумани иш бошлади.**

Айни пайтда республикамизда 870 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари мавжуд бўлиб, улардаги 700 мингга яқин ўқувчиларга 51 мингдан ортиқ педагоглар таълим беришмоқда. Айтиш жоизки, таълим тизимини яхшилаш ва ўқув меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш кўп жиҳатдан педагогларнинг билими, маҳорати ва малакасига боғлиқ. Шу боис ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси қўлланилмоқда.

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида масофавий таълимни ўқитувчилар малакасини оширишда қўллаш кўзда тутилган эди. Яқинда хориж тажрибасини ўрганиш учун мамлакатимиздаги масофавий таълим мувофиқлаштирувчилари Австралияда тажриба алмашиб қайтишди. Уларнинг таъкидлашларича, малака ошириш давомида Австралиядаги таълим тизимида масофавий таълимнинг афзаллик ва имкониятлари ўрганилди. Хусусан, у ерда йўлга қўйилган мосланувчан таълим марказлари мавжуд бўлиб, уларда малака оширувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган ва уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда яъни таълим олувчиларга мосланган ҳолда таълим бериш йўлга қўйилган экан.

Маълумки, масофавий таълим жараёнида тингловчи асосий ишдан ажралмаган ҳолда таълим муассасига келмасдан туриб, компьютер технологиялари ва замонавий телекоммуникациялар воситаларидан фойдаланиб, ўқиш имкониятига эга бўлади. Лекин, анжуманда таъкидланганидек, уни ташкил этиш учун энг аввало моддий техника базасини яратиш, дастурий таъминотни йўлга қўйиш ҳамда ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш лозим.

Мазкур анжуманда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда Осиё тараққиёт банки лойиҳасининг касб-ҳунар коллежлари фаолиятига таъсири, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги муаммолар, хорижий ҳамкасблар малака ва кўникмаларини ўрганиш ишлари хусусида ўзаро фикр алмашишади.

**"Туркистон-пресс"**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ХАРИДОРЛАР, ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 23-27 август кунлари Тошкент шаҳридаги доимий фаолият юритаётган минтақавий кўргазмали савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича мавсумий савдо ярмаркаси ўтказилади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳа («Хадра» майдони)«Халқ истеъмол моллари Тошкент минтақавий ярмаркаси» МЧЖ

*Ярмаркага марҳамат! Маълумот учун «Ўзбексавдо акциядорлик компаниясининг телефонлари: 139-10-93, 139-13-15, 139-46-97.*

### Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи қошидаги Болалар мусиқа мактаби қуйидаги мутахассисликлар учун

### ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Фортепиано ва торли чолғулар - 7-8 ёшдан

Анъанавий чолғулар ва хонандалик, ўзбек халқ чолғулари, пуфлаб ва зарбли чолғулари, баян, аккордеон, гитара, эстрада чолғулари ва ашула - 10-11 ёшдан

Ўқиш учун тўлов 1 ой учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўланади.

**Манзилимиз: Тошкент ш. Пушкин кўчаси, 31-уй (консерваториянинг эски биноси) Телефонлар: 133-06-49, 133-33-90, 133-58-57.**

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.Факс: (3712) 133-29-09.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**


## "ИШЛАБ ТОП!"

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI KAMOLOT



**Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**
**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**


Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 63-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мусаходжаева Лобар Носировна номига берилган BU № 018559 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ҲАЙДОВЧИНИ ҚЎРҚИТГАН ЙЎЛОВЧИ

**Аброр ўзининг «Тико» русумли автомобилида бир йўловчини Сергели машина бозори олдида қолдирди. Сўнг эса йўлида кетаётиб яна бир йўловчини олди. У киши Қўйлиққа бориши керак экан.**

Улар Қўйлиқнинг 5-мавзе, 9-уй олдига яқинлаша бошлади. Шу пайт ҳалиги йўловчи ёнидан пичоқ чиқариб Аброрнинг бўйнига тиради ва ундан автомобилини ташлаб кетишни буюрди. Аброр тўсатдан бундай ҳолга тушганидан бақириб юборди. Унинг овозини эшитган яқин орадаги хизматда бўлган милиция ходимлари ёрдамга етиб келишди. Жиноятчи Федя ашёвий далил билан ушланди. Ҳозирда у қилмиши учун жавоб бермоқда.

### ЕЛИМ ПАКЕТ КЕСИЛДИ

**Ўриқзордаги «Карвон» бозорида одам гавжум. Кимдир овозининг борича бақириб юборди.**

**— Одамлар, ўғрини ушланглар!**

Ҳалиги одамнинг орқасидан бир неча киши қувлади. Жиноятчи узоққа кета олмади. Яқин орадаги милиция ходимлари ёрдамга келиб, ушбу кимса — Ўткирни қўлга олдилар. У Зулфия исмли аёлнинг сумкасидаги 140 минг сўм пулини елим пакетни лезвие билан кесиб олиб қочиб кетаётган эди. Энди эса у қилмишига яраша жазоланади.

### ДАРС ЎРНИГА ПАНЖАРА

**Ботир бугун дарсга бормади. Чунки у онаси Зебо билан мўмайгина даромад илинжида бир жойга бориши керак. Уларнинг пул топиш «операцияси» мана бундай бўлган эди.**

Она-бола Яккасарой туманидаги Бошлиқ мавзесида яшовчи Сергейнинг уйи эшиги олдига келишди. Калит танлаш йўли билан ичкарига кириб, у ердан 1.694.000 сўмлик «Пентиум-4» компьютери, «Панасоник» видеокамераси, «Самсунг» фотоаппарати ва сариқ металлдан ясалган «Луч» соатларини олиб чиқиб кетишди. Орадан анча вақт ўтгач Сергей қайтиб келди. Вазиятни кўрган уй эгаси дарҳол ички ишлар ходимларига хабар берди. Она-бола жиноятчилар эса ўз вақтида қўлга олинди. Бола дарс ўрнига, она эса уйда ўтириш ўрнига панжара ортидан жой олди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири**

---

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институти қошидаги «Компьютер технологиялари» академик лицейи жамоаси «Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси информацион лойиҳалаш конструкторлик бюроси»нинг директори Т.С.Султоновга онаси

**АЗИЗА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

*Санъатнинг сеҳрли олами*

# МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР КУНИ

**Миллий мусиқа ижрочилиги жуда қадимги анъаналарга эга бўлиб, хонандалик овозларининг турли тонфаларини ҳамда ранго-ранг куйлаш усулларини қамраб олгандир. Шу боисдан ҳам мумтоз қўшиқ ва куйлар неча асрлар давомида инсонларни ўзига мафтун қилиб, бизгача етиб келган мусиқа санъатидир.**



Халқимизни айниқса ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон сифатида тарбиялашда мумтоз қўшиқ ва куйлардан унумли фойдаланиб, уларни бу мафтункор санъат туридан хабардор қилиш мақсадида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти хайрли ишни амалга оширмоқда.

Гап шундаки, боғда ҳар жума куни мумтоз қўшиқ ва куй ижрочиларининг суҳбатли концерт дастурлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган тадбирда концерт олдидан Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Рустам Хўжаев сўзга чиқиб бугунги кун ўзбек халқ чолғу созлари ва миллий ашула айтишнинг усуллари ҳақида йиғилганларга тушунча берди. Шунингдек, томошабинларни қизиқтирган кўплаб ижрочилик санъати билан боғлиқ саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Мумтоз қўшиқ ижрочиларидан Ўзтелерадиокомпаниянинг «Мақомчилар» дастасининг хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шарофатхон Тожибоева, «Ўзбекистон» дастасининг хонандаси, Абдулатиф Самадов, хонандалар Гулноза Пардаева, Ҳотам Қосимов, Музаффар Мирмаҳмудов, Бахтиёр Нишонов ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Даврон Қодиров раҳбарлигидаги «Олтин мерос» мақомчилар дастаси ўз дастурларини намойиш қилдилар.

Бундан ташқари мумтоз халқ қўшиқлари, айниқса катта ашулаларнинг моҳир ижрочиси, халқ орасида шуҳрат қозонган машҳур ҳофизлардан Маъмуржон Узоқов ҳаёти ва ижодига бағишланган қизиқарли суҳбат ҳам бўлиб ўтди. Халқимизнинг буюк санъаткори ҳаёт бўлганида бу йил юз ёшга тўлар эди. Ҳофиз ижро этган «Парво этиб кет» (Собир Абдулло шеъри), «Бир келиб кетсун» (Ҳамза шеъри), «Қачон бўлғайким» (Фурқат шеъри), «Доғман» (Муқимий шеъри) ва бошқа қўшиқлар тасмалар орқали йиғилганларга эшиттирилди.

Ҳофиз ижро этган қўшиқлар халқимизнинг меросига айланиб, ҳали келажак авлодларимизнинг ҳам меҳрларини қозониб, уларнинг маънавий юксалишларига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Бундай тадбирлар юксак маърифатли, маданиятли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Ўткир СУЛТОНОВ**

**СУРАТДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Мумтоз қўшиқлар куни» тадбиридан лавҳа.**

---

*Турфа олам*

## КУЙЛОВЧИ ГУЛЛАР

**Японияда антиқа ихтирога қўл урилди. Янгиликка ўч японлар гулни куйлашга мажбур этди.**

Махсус қурилма симининг бир учи овоз кучайтиргичга, иккинчи учи карнайга улангани каби гулнинг банди ва баргига уланади. Натижада гулдан овоз чиқади.

«Бу ихтиро» гулларда ҳиссиёт йўқ», деган ақидага барҳам берди», дейди ихтирочилардан бири.

Овоз гулнинг банд ва куртакларига таъсир қилиб, уни секин тебрата бошлайди.

Гулларнинг «куйлаши» уларнинг турига ҳам боғлиқ экан. Масалан, лилия ва наргисда товушни ўзига хос қабул қилиб, такрорлаш қобилияти кучлилиги аниқланди.

«Куйловчи гуллар»ни кейинги ой сотувга чиқариш мўлжалланган. Маълумотларга кўра, битта гулдаста юз минг япон иени атрофида баҳоланмоқда.

---

*Бўш вақтингизда*

# «САЛОМАТЛИК» ЧАЙНВОРДИ

1. Даволанишда ҳисобга олиш зарур бўлган инсон танасининг ўзига хос хусусияти. 2. Баъзи тури шифобахш бўлган қон сўрувчи жонивор. 3. Тиш тўқималарининг емирилиш касаллиги. 4. Саломатликни мустаҳкамлашнинг манбаи. 5. Кўпчилик тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур, гемоглобин таркибига кирувчи кимёвий элемент. 6. Табобат ривожига муҳим ҳисса қўшган немис физиги, Нобель мукофоти номзоди. 7. Ўпкага олинадиган ҳаво. 8. Барги шифобахш, дуккакдошларга мансуб ўсимлик. 9. Организмнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этган органик модда. 10 Сут таркибидаги модда. 11. Қон томири тури. 12. Бош ва орқа миядан барча аъзоларга тарқалган, уларнинг фаолиятини бошқарувчи томирлар тизими. 13. Табобатда ишлатиладиган кимёвий элемент. 14. Ярани даволашда ишлатиладиган юмшоқ, ёпишқоқ дори. 15. Иштаҳа очувчи зиравор тури. 16. Наманган вилоятидаги шифобахш маъдан сувли шифохона, оромгоҳ. 17. Кўзнинг марказига жойлашган нур ўтказувчи аъзо. 18. Шамоллашни даволашда истеъмол қилинадиган суюқ таом.

## МУАММОНОМА

Шакл марказидаги айланаларда шарқ халқларининг мумтоз мутафаккир шоири Абулқосим Фирдавсий меросига мансуб икки мисра ҳикмат яширинган. Уни қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган очқич сўзлар асосида билиб олинг.

1. Соғлиққа мос келувчи таомларни тановул қилишга эътибор бериш тартиби — 22, 2, 10, 21, 20, 17.
2. Ҳозирги замон бактериология ва эпидемиологияси асосчиларидан, немис олими — 18, 1, 19.
3. Мушакларни чиниқтиришга асосланган спорт тури — 3, 1, 8, 4, 3, 4, 7, 8, 4.
4. Қанд ва витаминларга бой ҳўл мева — 13, 10, 4 18.
5. Халқ табобатида синган суякни даволашда ишлатилган органик модда — 9, 14, 9, 4, 12.
6. Таомга ишлатиладиган полиз экини — 16, 1, 15, 1, 16.
7. Ҳаёт учун зарур модда — 6, 16, 15.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**



**Газетанинг шу йил 13 август сонида берилган бошқотирманинг жавоблари.**

**Энига:** 5. Бедил. 6. Пўлат. 7. Босим. 9. Похол. 10. Манот. 12. Адрас. 15. Жийда. 16. Кесим. 17.Сонет. 18. Седан.
**Бўйига:** 1. Бетон. 2. Сиғим. 3. Бўғот. 4. Мақом. 8. «Мазда». 9. Палак. 11. Сифон. 12. Адлер. 13. Селен. 14. Девон.

**«ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ**

**Очқич сўзлар:** 1. Меҳнат. 2. Ғолиб. 3. Гул. 4. Ошар. 5. Доно. 6. Куч.
**Ҳикмат:** Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-909.